

НУШУҚ

YURIDIK GAZETA

Yanvar

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	


2002

28 - yanvar,
chorshanba

05

(216)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan



Қиш қор билан кўркли

А. ТУРАЕВ олган сурат



27 ЯНВАРЬ — УМУМХАЛҚ
РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ХАЛҚ ЭРКИНИНГ ИФОДАСИ

Ўзбекистон халқи ўзининг келажиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа арафасида турибди. Бу 2002 йил 27 январь куни ўтказиладиган референдумдир. У бири иккинчисини тақозо этувчи иккита масала — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали килиб сайланиши ва Ўзбекистон Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик килиб ўзгартириш юзасидан ўтказилади. Бу масалаларнинг нечоғлик муҳимлигини чуқур аниқлаш учун эса, энг аввало, референдумнинг мазмун-моҳиятини очиқ берувчи куйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим.

«Референдум» лотинча сўз бўлиб, халқ билан маслаҳатлашиб олиш деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига асосан жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиб, умумий овозга — референдумга қўйилади. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида референдумга «жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир», деб таъриф берилган.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Конституцияга, бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига нисбатан олий юридик кучга эга бўлади.

Референдумда қабул қилинган қарорнинг олий юридик кучга эга бўлиши қуйидагилардан иборат: мазкур қарор фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Референдум Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ўтказилиб, унда мамлакатимизнинг референдумда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга барча фуқаролари қатнашадилар. Фуқаролар референдумга қўйилган масала юзасидан ўз фикрларини эркин ифода этиш йўли билан жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этадилар, яъни Олий Мажлисдаги ўзлари сайланган вакиллари — депутатлар орқали эмас, балки бевосита ўзлари жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда қатнашадилар;

Агар референдумда Конституциянинг айрим нормаларига ўзгартириш киритишни тақозо этувчи қарор қабул қилингудек бўлса, Асосий Қонунимизнинг мазкур нормалари ҳам референдумда қабул қилинган қарорга мувофиқлаштирилиши лозим бўлади;

Референдумда қабул қилинган қарор Республикаимизнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлади ва давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари билан бирон-бир тарзда тасдиқ этилиши талаб қилинмайд.

(Давоми 2-бетда.)

РЕФЕРЕНДУМ: МОҲИЯТ ВА МАҚСАД

АНОНС

... Давлат шакли ва бошқарувидан қатъий назар давлат ва жамият аҳамиятига молик, халқ ҳаётига дахлдор масалаларни кенгашиб, маслаҳатлашиб ҳал этиш, омманинг фикрини ўрганиш, уларнинг бу масала ечимига оид хулосаларини олиш қадимда ҳам қўлланилган.

3 - саҳифа

ТИНЧЛИК ҚАРОР ТОПМОҚДА

Мамлакатда сиёсий вазият тобора барқарорлашиб бормоқда. Тилиблар ҳукмронлиги даврида ёпилган элчихоналар бугун мамлакатда қайтадан фаолият бошламоқда. Бу эса, шубҳасиз, бошқа давлатларнинг Афғонистон билан ҳамкорлигини кенгайтиришга имкон беради. Афғонистонда Ўзбекистоннинг консуллиги ҳам иш бошлади. Консуллиқнинг расмий очилишида сўзга чиққанлар бу муҳим қадам икки қўшни мамлакатнинг азалий алоқаларини қайта тиклашга кўмак беришини таъкидладилар.

6 - саҳифа

ЖАРАНГЛАМАГАН БИЛЛУР ҚАДАҲЛАР

Ҳаёт аслида бурч. Уни азоб-қубат, ором деб ўйлаш тўғри эмас. Ойсанам ҳам нозик ва пинхоний туйғулардан маҳрум эмас-ку. Эндиги муҳаббати ихтиёрли келишувдай гап эди. Баъзан тасодифий севгини акландроқ идора қилолмай қолади. Поликлника бош ҳақими бир гал унга кўнғирок килиб, учрашиш ниятини изхор этди. Ойсанам бир неча кун алланечўк бўлиб юрди. Нега телефон қилди экан?

7 - саҳифа

МОҲИЯТ

Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрайдиган эркин шахсни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб даркор.

Ислом ҚАРИМОВ

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Маълумки, умумхалқ референдуми халқ билан маслаҳатлашуви демокдир. Референдумга тайёргарлик жараёнида мен мамлакатимиз раҳбарияти ҳар бир жиддий масалани ҳал этишда халқнинг фикрига таянишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Республика парламентини икки палатали тизимга ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш жаҳондаги илғор, демократик давлатлар қонунларига мос келади. Зеро, профессионал парламент қабул қилган қонунларнинг сифати юқори бўлиши шубҳасиз. Президент ваколатини ўзгартириш ҳам халқаро давлатчилик амалиётига ҳосидир. Масалан, Италия, Исроил, Туркия ва бошқа қатор ривожланган мамлакатларда президентнинг етти йил муддатга сайланиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барқарор ривожини таъминлаш мақсадини кўзда тутди.

Шу кунларда турли тоифадаги одамлар билан учрашар эканман, уларнинг гаплари, юзларидан референдумга тайёргарлик қандайдир байрамона тус олаётганини хис этаман. Нега? Чунки халқимиз референдумда қўйилган саволларга ижобий жавоб олинишини, бу эса мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий,

ижтимоий томондан янада қудратли, тинч-осойишта, демократик давлатга айланишига хизмат қилишини яхши тушунади.

Бу ўринда давлатимиз юритаётган сиёсат мамлакат осойишталиги, тараққиёти, демократиялашуви кафолати бўлиб қолганлигини рўй-рост айтишимиз керак. Донулар тинч хонадонда, тинч маҳаллада, тинч мамлакатда тараққиёт, фаровонлик, кут-баракат бўлади, дея бежиз айтишмаган.

Истиқлолдан сўнг ўтган ўн йил давомида мамлакатимизнинг тинчликларвар сиёсатини бугун бутун дунё аҳли эътироф этмоқда. ЮНЕСКО томонидан 2001 йилда таъсис этилган «Тинчлик устун»и соврини-га жаҳондаги 190 та мамлакат орасидан Ўзбекистон муносиб топилганлиги ҳам минтақамизда, бутун дунёда тинчликини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Зеро, халқ мана шу эзгу мақсад, орзулар учун, мусофҳо осмон, фарзандларимиз, набираларимизнинг фаровон келажиги учун ҳам референдумда ижобий жавоб беришига имоним қомил.

Юсуф АБДУКАРИМОВ,
Фаргона вилояти прокурори

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abdullolq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiilon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:
133-82-34, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalari
qaytalanmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-marbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
ustulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxonani manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma	Г - 3149
Nusxasi	— 20,500
Bosmaxonaga topshirish vaqti	20.00
Bosmaxonaga topshirildi	
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi	
Navbatchi muharrir:	H. NISHONOV
Navbatchi:	F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda	
1 2 3 4 5 6 7 8	

ХАЛҚ ЭРКИНИНГ ИФОДАСИ

(Бошланғич 1-бетда.)

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, референдум жуда катта сиёсий-ҳуқуқий тадбир бўлиб, уни ўтказиш орқали ҳал этиладиган масалалар давлат ва жамият ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу боис унда иштирок этиш нафақат ҳуқуқ, балки ўз тақдирини бахslash қарши мумкин бўлмаган ҳар бир фуқароннинг фуқаролик бурчи ҳам саналади. Бинобарин, референдум Конституцияимизнинг 32-моддасига асосан фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш шаклларидан биридир.

Энди референдумга қўйилаётган масалаларнинг нима учун айнан бугунги кунда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги bosқичида ҳал этилиши шартлиги хусусида тўхталсак.

Маълумки, Президентимиз томонидан илгари сурилган, республикамиз ривожланишининг ўзига хос йўналишларидан бири бу ислохотларнинг bosқичма-bosқич амалга оширилиши таъминланган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иқтисодий тизимни тубдан ислох қилишга, иқтисодиётда мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган эркин рақобатли бозор муносабатларини қарор топтиришга асосий эътибор қaratилди.

Конституцияимизнинг 11-моддасига мувофиқ ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принциپига асосланади. Ўтказилган ислохотларнинг аксарияти ана шу учала ҳокимият бўғинининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилишига қaratилгандир. Биз бунинг туб ислохотлар пировардида бугунги кунда шаклан ва моҳиятдан бутунлай ўзгарган суд ҳокимияти мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Ҳўш, нима сабабдан айнан бугун парламент ислохотлари бошланғич керак деган ҳақли саволга қўйилганича муносабат билдириш мумкин.

Биринчидан, авваламбор, бу Ўзбекистонда ислохотларнинг bosқичма-bosқич амалга оширилиши таъминлидан келиб чиқади. Давлат ва жамият ҳаётининг барча jabҳалари бозор муносабатларига bosқичма-bosқич тарзда ўтаётганлиги сабабли қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис ҳам ўз фаолиятида муайян bosқичларни бо-

сиз ўтиши лозим.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг дастлабки йилларида, яъни ислsxот эндигина бошланган, давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори яратилган, мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган ислsxотларнинг ҳуқуқий базаси шакллантирилган, амалга оширилган бир масъулиятли пайтда парламентнинг бир палатали шакли танланганлиги қанчалик тўғри бўлганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Жамият ҳаётининг турли соҳалари бўйича тегишли қонунлар ҳали қабул қилинмаган, ўтказилгани лозим бўлган ислsxотларнинг ҳуқуқий базаси етарлича шакланмаган бир шарoитда қонун яратувчилик жароғини жадаллаштириш, туб ислsxотларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарурати бир палатали қонун чиқарувчи орган фаолият кўрсатишини тақозо этган эди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида қонун чиқарувчилик фаолияти, яъни парламентариизм биз учун янги, ҳали етарли даражада ўрганилмаган соҳа эди. Бугунги кунда миллий давлатчилигимиз тараққиётини қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис мамлакат ҳаётида жуда муҳим бўлган қонунларни қабул қилиш орқали жамиятда ўзининг муносиб макъeини эгаллади, парламентариизм мафкураcи қарор топди, у гоядан амалиётга айланди, қонун яратувчилик соҳасида муайян бир тажриба шаклланди.

Учинчидан, давлат ва жамият ҳаётининг қайси соҳасида бўлмасин, туб ислsxотларни амалга ошириш иқтисодий-сиёсий барқарорликни талаб этади.

Тўртинчидан, давлатнинг иқтисодий салоҳияти, қудрати ортди. Бу эса амалга оширилаётган ислsxотларни янада чуқурлаштириш имкониятини яратди. Чунки, ҳар қандай ислsxот, агарда у молиявий жиҳатдан таъминланмас экан, амалда бажарилимайдиган ҳамда қороздагина қолиб кетадиган бир тадбир бўлади, холос. Давлатимизнинг бугунги кундаги иқтисодий имкониятлари доимий фаолият кўрсатуви, қонун яратувчиликни касб сифатида эгаллаган парламент шаклига ўтгани қаноқатланди.

Бешинчидан, ўтган давр мобайнида профессионал парламентнинг доимий фаолият юритиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий майдон юза-

га келди, яъни халқроқ ҳуқуқ нормаларига асосланган тегишли ҳуқуқий база шаклланди ва бу жароғини жадал ривожлантирилмоқда.

Олтинчидан, бундай парламентада фаолият кўрсата оладиган, мустақил давлатчилик гоялари билан қуролланган профессионал ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар корпуси таркиб топди.

Ислsx қилиниши мўлжалланган парламентимизнинг айнан икки палатали бўлиши лозимлигини асослаш учун қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин.

Биринчидан, жаҳон парламентаризми тажрибаси тараққиётган мамлакатларнинг аксариятида, масалан, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Япония, Голландия ва умуман, жаҳоннинг 70 дан зиёд давлатида икки палатали парламент фаолият кўрсатаётганлигидан гувоҳлик беради.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, у қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, яъни у бевосита халқ томонидан сайланадиган ва қонун чиқариш фаолиятини амалга оширадиган бирдан-бир умуммиллий вакиллик органи ҳисобланади.

Аммо, ҳозирда фаолият кўрсатаётган бир палатали парламентини том маънодаги вакиллик органи деб ҳисоблаб бўлмайдми, Чунки, ундаги вакиллик ўзининг шаклланиши тартибига кўра номутаносибдир. Вакиллик фақат аҳоли сонига қараб эмас, балки минтақавий — ҳудудий тамойилга асосан шакллантирилганда тўлақонли бўлади. Холбуки, ҳозирда депутатлар фақат аҳоли сонига боғлиқ микдорда сайлангани бонс унда минтақавий — ҳудудларнинг вакиллик даражаси паст бўлиб қолган, ҳаттоки, баъзи бир минтақаларда истиқомат қилаётган сайловчиларнинг сони талаб этиладиган микдорни ташкил этмаслиги туфайли уларнинг парламентадаги вакиллиги умуман таъминланмасдан ҳам қолган. Бу эса қабул қилинадиган қонунларда уларнинг Конституцияда қаноқатланган ҳуқуқларининг ифодаланмай қолишига сабаб бўлади.

Учинчидан, Конституцияга асосан парламент қонун чиқарувчи олий вакиллик органи бўлгани сабабли бу икки жиҳатнинг муаносиблиги уйғунлашган, яъни зарур

конституциявий — ҳуқуқий мувозанат таъминланган бўлиши керак.

Референдумнинг кун тартибига киритилган иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муздатини ўзгартиришдир. Гарча, бу ҳар бир мустақил давлатнинг суверен ҳуқуқи сифатида исбот талаб этмайдиган ҳолат бўлса-да, унинг айрим жиҳатларини ҳолисона ёндашган ҳолда очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Президентнинг конституциявий ваколатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масаласига қимнингдир хоҳиш-иродаси билан бўлаётган тадбир деб эмас, балки ҳаётий зарурат, давлат ҳокимияти тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини ислsx қилиш бўйича объектив жараён, ислsxотларнинг мантқий давоми сифатида қараш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Шубҳасиз, президентлик республикасида давлат раҳбарининг ваколатлари ҳокимият барча тизимларининг ўзаро конструктив, оқилона ҳамкорлигини таъминлайдиган даражада бўлиши керак. Фақат шундагина у мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликнинг, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг қоғили бўла олади, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни мurosага суловчи бир восита сифатида ҳаракат қила олади. Конституцияга риоя этилишини таъминлайди, давлат ва жамият ҳаётида туб сифат ўзгаришларига олиб келувчи салохиятли қарорлар қабул қила олади. Бунинг учун эса Президент ҳокимият тизимининг бошқа бўғинларига нисбатан устувор ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Бундай устуворлик, энг аввало, унинг ваколат муздатлари ҳокимиятнинг бошқа тизимлари ваколати муздатидан кўпроқ бўлишини тақозо этади. Масалан, ҳозирги кунда Олий Мажлис ҳам, Президент ҳам 5 йил муздатга сайланадилар.

Аслида, Президентнинг ваколат муздатини Олий Мажлис сессиясига Конституцияга тегишли ўзгартириш киритиш орқали ҳам ҳал этиш мумкин эди. Лекин, бу масала халқнинг бевосита эркини намoён қилувчи референдум йўли билан ҳал этилаётганлиги ҳам мустақил Ўзбекистоннинг умумбашарий қадриятларга, чинакам демократияга садоқатининг эркин ифодасидир.

О.ХОЛИҚОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бosh
прокуратурасининг Қонунчиликни
мустаҳкамлаш муаммолари ва
прокурор-тергов ҳодимлари
малакасини ошириш маркази катта
ўқитувчиси

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II қаҳриқ VII сессиясида 2002 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилindi.

Парламентаризм гоёси ўрта асрларда халқ мажлислари кўринишида бўлган. Соёбқ Иттифоқ даврида парламент Олий Совет депутатлари съезди шаклида бўлиб, фуқаролар вакиллиги фақат расмиятчилик учун бўлган, қонунчилик фаолияти эса анча чекланган эди.

Икки палатали парламент тизими мавжуз бўлган давлатларда сайланадиган палатани одатда, қуйи ёки биринчи палата деб атайдилар. Юқори ва қуйи палаталар таркиби, тузилиши тартиби, ваколатлари ва бошқа жиҳатларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг бўлажақ икки палатали парламенти тузилиши ҳақида сўз юритиб давлатимиз раҳбари қуйи палата фақат доимий асосда ишловчи депутатлардан таркиб топилгани, яъни умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида, яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган профессионал депутатлардан иборат бўлишини, бу палатада ҳар бир депутат тенг микдордаги сайловчиларнинг вакили сифатида иш кўришини ҳамда мазкур палатанинг асосий ваколатлари қонунлари тайёрлаш ва қабул қилишдан иборат бўлишини кўрсатиб берган эди.

Иккинчи палата бевосита сайловчиларнинг манфаатлари билан бир қаторда, энг аввало, ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади. Шунга кўра бу палатада Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Toshkent шаҳри тенг вакиллarga эга бўлади. Юқори палатанинг асосий

вазифаси қуйи палата қабул қилган қонунларни тасдиқлашдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, Олий Мажлисининг мулّاқ ваколатларидан бири «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш» ҳуқуқидир. Демак, Президентлик ваколати муздатини Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш билан ҳам ҳал этиши мумкин эди, лекин демократик тамойилларга таъянлиган ҳолда, бу долзарб масала умумхалқ овозига қўйилмоқда.

Маълумки, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадига умумхалқ референдумини ўтказиш халқ ҳокимиятини тўғридан-тўғри амалга ошириш воситасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Хулоса сифатида шунини айтмоқчиманки, халқимиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, 2002 йилнинг 27 январь кuni ўтказиладиган референдумда фаол иштирок этади.

Рустам ЖАЛИЛОВ,
Қўрғонтепа тумани
прокурорининг ўринбосари



27 ЯНВАРЬ – УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

БЮЮК ТУРОН заминда кўп асрлардан бундан давлатчилик мавжуд бўлган, шаклланган, ривожланган, шу билан бирга давлат бошқаруви тизими, шаклига кўра турли хил бўлган. Аммо давлат шакли ва бошқарувидан қатъий назар давлат ва жамият аҳамиятига молик, халқ ҳаётига дахлдор масалаларни кенгашиб, маслаҳатлашиб ҳал этиши, омманинг фикрини ўрганиши, уларнинг бу масала ечимига оид хулосаларини олиш қадимда ҳам қўлланилган.

Худди шундай тамоилнинг бугунги кунда қўлланилиши, давлатимиз раҳбарияти ва қонун чиқарувчи ҳокимиятининг аждодларимиз анъаналарига содиқ қолиши, халқ фикрини инобатга олиб, муҳим масалаларни ҳал этиши жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳаммамизга маълумки, Олий Мажлиснинг охириги сессиясида 2002 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Референдумда Ўзбекистон халқининг 2 та масала бўйича муносабатларини билиш ва уни шунга мувофиқ ҳал этиш назарда тутилмоқда. Яъни, унда овоз бериш бюлетенида халқнинг қўйидаги саволларга жавоб бериши сўралмоқда:

1. Сиз келгуси қаҳриқў Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Демак, мамлакатимизнинг миллатидан, жинсидан қатъий назар 18 ёшга тўлган фуқаролари республикамиз ҳаёти учун муҳим бўлган ва масалалар бўйича ўз фикрларини изор этишлари лозим. Халқ иродаси қандай бўлса, Олий Мажлис шундай қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки қабул қилинган қонунлардан бири бу «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»-ги Қонундир. Бу қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган эди.

Мамлакатимизда конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг муҳокамаси олиб борилаётган вақтда «Референдум тўғрисида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши биринчидан, Ўзбекистоннинг демократик-фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаганини, иккинчидан, жамиятни бошқариш қонунга асосланиб олиб борилишини, учинчидан, халқ фикрини эътиборга олиб муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш халқ ҳокимиятичилигининг муҳим белгиларидан бири эканини таъкидлаган эди. Бошқа қонунларнинг жамиятда тутган ўрнини камситмаган ҳолда, мазкур қонунни халқнинг жамиятининг муҳим масалалар бўйича фикрини изор этиш учун жуда катта имконият берилганини исботлайдиган қонун, деб бемалол айтиш мумкин.

Замон талаби, халқ ҳуқуқий онингнинг ривожланиши референдум тўғрисидаги қонунни янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этди. Шу тўғрйили Олий Мажлиснинг 2001 йил 30 август Қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»-ги янги таҳрирдаги Қонун қабул қилинди. Бу қонун 1991 йилдаги дастлабки қонундан ўзининг кенг қамровлиги, тўлиқлиги, халқро ҳуқуқ нормалари талабларига тўла мос келиши билан фарқ

қилади. Унда миллийлик, халқимизнинг урф-одатларини ҳисобга олиш билан биргаликда референдум ўтказишнинг ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги илғор тажрибалари ҳисобга олинди.

Қонуннинг биринчи моддасида референдум тушунчаси берилган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шунинг билан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақ

РЕФЕРЕНДУМ: МОҲИЯТ ВА МАҚСАД

садида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир». Бу таъриф референдумнинг мазмун-моҳиятини очиб берган.

Референдум бюллетенига киритиладиган биринчи масала, «Халқнинг келгуси қаҳриқў Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига муносабати» хусусида тўхталадиган бўлса, аввало, парламентнинг жамиятдаги ўрнига эътибор қаратишимиз лозим. Ҳар қандай демократик жамиятда демократия ва ҳукуматнинг қай даражада фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан қонун чиқарувчи ҳокимият қандай шаклланганига, унинг аъзолари қандай тартибда сайланганига, уларга қандай ваколатлар берилганига, мавжуд партияларнинг парламент шаклланишидаги ўрнига, унинг фаолияти қандай амалга оширилаётганига боғлиқдир.

Ер юзидagi мавжуд давлатлардаги қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир-биридан фарқ қилувчи турли шакллари, ўзига хосликлари бор. Баъзи мамлакатларда парламент аъзолари оммавий сайловларда сайланса, бошқаларда маҳаллий ҳудудларда сайлов ташкил этилади. Улар депутатлар, вакиллар, сенаторлар, конгрессменлар ва шу каби турлича номланганлар. Парламент сони, сайланиш мuddатлари ҳам бир хилда эмас. Парламент томонидан ечиладиган масалалар ҳам турличадир. Айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи ҳокимият кучли мавқега эга бўлса, бошқа мамлакатларда номмагина фаолият кўрсатади. Собик СССРда мамлакат ҳаёти, жамият бошқаруви, халқнинг тақдирди коммунистик партия қарорлари билан амалга оширилган, Олий Совет, республикалардаги олий советлар умуман ҳеч қандай мавқега эга эмас эди. Коммунистик партия қандай қарор қабул қилса, шу қарорлар қонун кучига эга эди. Шу тўғрйили бу жамият парокандалликка учради.

Бир нарса кундек равшан бўлиб қолди, қонун чиқарувчи ҳокимият самарасиз, қонунчилик жараёнига фаолият кўрсатиши демократик тузумни инкор этди. Фақат ҳаракатчан, ташаббусли, қонун ижодкорлиги ривожланган парламентгина демократик тузумни яратиши мумкин. Бу ҳақда Жон Стюарт Милл «вакиллик демок

ратиясида парламент халқнинг кўзлари, қўлоқлари ва овозидир» — деб ёзган эди. Бу эса парламентда, албатта халқ томонидан вакил қилинган шахслар бўлиши кераклигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият - Олий Мажлиснинг ўрни, моҳияти улкандир. Утган даврда Олий Мажлис мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуришидек улкан вазифанинг, йўналишининг қонуний асосларини яратди.

Мустақилликка эришгандан бунён Олий Мажлис кўнлаб қонунлар қабул

тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи кўшимча фильтр сифатида иш тутди. Анжуманда таъкидланганидек, икки палатали тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали парламент ўртасидаги ортқиқ тортишуларнинг олдини олади ҳамда парламент ва ҳукумат ваколатларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент ҳуқуқий давлат барпо этишининг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг энг яхши қуролидир.

Маълумки, икки палатали парламент фаолияти мутлақо бошқа ташкилий-тузилмавий асосга, яъни профессионализм замирида қурилмоғи лозим. Профессионал парламент тўғрисидаги тасавурида энг олдда депутатларнинг доимий асосда ишлашлари билан боғлиқ. Бу тушунча депутатлар ўз ваколатлари даврда депутатлик фаолиятдан бошқа касб билан шуғулланмайдиган парламентга эга бўлган давлатларда шаклланган. Яъни депутат

Икки палатали парламент фаолияти мутлақо бошқа ташкилий-тузилмавий асосга, яъни профессионализм замирида қурилмоғи лозим.



Ф. РАХИМОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари доктори

депутат тенг микдордаги сайловчиларнинг вакили сифатида иш кўради. Мазкур палатанинг аъзо ваколатлари қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишдан иборат бўлиши назарда тутилди.

Хозирги сайланган парламентнинг фаолият мuddати 2004 йилга қадир. Референдумга қўйиладиган бу масалани ҳал этиш нима учун ҳозир керак, деган саволга қисқача таразда шундай жавоб бериш мумкин.

Агар референдумда бу масалага

лар ўз фаолиятини депутатлик даврида касб, давлат хизмати деб билдилар.

Парламентда барча депутатлар доимий асосда ишлашлари учун объектив шарт-шароитлар талаб этилади.

Парламент фақатгина қонун чиқарувчи эмас, балки вакиллик органи ҳамдир. Шунинг учун унда фақат аҳоли вакилларининг бўлиши эмас (бу аҳоли зич жойлашган марказларга мутлақ улустлик беради), балки барча минтақалардан тенг вакиллар бўлиши лозимдир. Парламентнинг ана шундай сифатда таркиб топиши муқаммал бўлмаган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймайди.

Назаримда, қонун чиқарувчи олий органда иккинчи палатанинг тузилиши Ўзбекистон қонун

ларининг қабул қилинишига минтақаларнинг таъсирини сезиларли даражада оширади, парламент қабул қилмаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиши иродаси тўлиқроқ намоён бўлишига имкон беради. Ва шу билан бирга, қонунчилик фаолияти сезиларли даражада ривожланиши таъкидлаш билан изоҳлаш мумкин.

Икки палатали парламент тизимидаги ўтиш давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши, фуқаровий жамият қуриш йўлида муҳим, шахдам одим бўлади.

Ўқоридая айтганимиздек, бугун Ўзбекистонда бўлажак парламент ташкилий тузилмасининг тайёр андозаси йўқ, дунёда ҳам унинг андозаси яратилмаган, ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилиги, тарихий урф-одатлари, бошқаруви усулларига қараб мамалани белгилаган. Хозир Ўзбекистон халқидан парламентни икки палата этиб ташкил қилишга розилик сўралмоқда. Биз бундай парламентлар мавжуд бўлган давлатлар ҳамда қонун яратишда, унда бутун халқ иштирокнинг афзалликлари, ўзига хосликлари жамланганини аниқ биламиз. Мамлакатимизда икки таркибли парламентнинг қай йўсинда бўлиши муносиқлиги ҳақида Олий Мажлис раиси Э.Халимов иккинчи қаҳриқў Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясидаги маърузасида айтиб ўтган эди.

Бу маърузада қисқачароқ таразда шундай фикрлар билдирилган эди: «Икки палатали парламент мамлакатнинг минтақалари, кичик тузилмалари, олисроқ жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган популизм, лоббизм ва енгил-ели,

ижобий фикр билдирилса, энг аввало икки палатали парламентнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, дунё парламентаризми таърихисини ўрганиш, унинг афзалликлари ва ўзига хос хусусиятлари, миллий қонунчилигимиз ва урф-одатларимизни ҳисобга олиш, ўзимиздаги таърибани умумлаштириш лозим, бунга эса, албатта вақт керак.

Референдумда муҳокама этилиши назарда тутилган иккинчи, яъни «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган масалага эътибор қаратиб, қўйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш лозим:

Биринчидан, бу ерда гап конституциявий мuddатни ўзгартириш ҳақида келтирилганга эътибор беришимиз керак. Айрим жойларда республика президентининг ваколат мuddатини ўзайтириш ҳақида фикр билдириш лозим, деган сўзларни айтиш ҳоллари учрамоқда. Бу жуда асосиз ва нотўғридир. Гап Президентининг ваколат мuddатини ўзайтириш тўғрисида эмас, балки конституциявий мuddатни ўзгартириш ҳақида келаяпти. Бу муҳим масалага эътибор бериш ва уни тўғри тушуниб, шу талқинда фикрлаш қонуний бўлади.

Иккинчидан: аксарият араб мамлакатларида президентлик ваколат мuddати 6-7 йил, Туркия, Исроил, Ирландия, Италия ва бошқа давлатларда 7 йил қилиб белгиланган. Биз билан қўшни бўлган Қозғистон ва Тожикистон республикаларида президентининг ваколат мuddати 7 йилга ўзгартирилди.

Бир савол туғилиди, Америка Қўшма Штатлари президентининг ваколат мuddати 4 йил қилиб белгиланган-ку, улар нима учун бу мuddатни танлашган?


Ҳа, бу савол ўринли, лекин масаланинг бошқа томонига эътибор бериш лозим. АҚШ конституцияси 1789 йил қабул қилинган, бу давлат 200 йилдан ортиқ мuddат давомида фаолият кўрсатаётган.

Биз ўтиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз, давлат бошқарувининг қонуний асосларини яратмоқдамиз Вақти келди, тузум, бошқаруви усуллари бир андозага, қолибга тушгандан сўнг давлат бошлиғи қанча мuddатга ва ким бўлишдан қатъий назар, Ўзбекистон ҳам ўз йўлини аниқ белгилаб олган, аниқ йўналиш ва сиеват билан иш юритадиган давлатлар сирасига қиради.

● **ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ**

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ОЛИЙ БАХТ

МАНА насиб экан, «Қонун ҳимоясида» журналининг 2002 йил 1-сониде кўлимизда. Учинчи минг йилликнинг иккинчи йилига эндигина қадам кўйиб, кечагина нишонланган янги йил байрамининг шуқуҳи ўчмай туриб, журналнинг босмадан чиқиши муштарийларимиз учун ўзига хос совага бўлди, десак муболага бўлмас. Журнални кўлга олар эканмиз, муқованинг биринчи бетигада икки ота-хоннинг кўл ушлашиб турган сурати дарҳол эътиборни тортади. Бунинг рамзий маъноси ҳам бор. Ахир Президентимизнинг таклифи билан 2002 йил «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилинди. Уларнинг нуруний чеҳраларига назар ташлар экансиз, беихтиёр хаёлингизда яқин ўтган ўтмишимизнинг жонли гувоҳлари намоён бўлади. Сабаби, отахонларнинг юзларидан жой олган узун-қиска ажинларнинг ҳар бири бир тарихдир. Айна пайтда бугунги дориломон кунларни кўриш бахтига сазовор бўлганлик учун шуқроналик ҳисси ҳам барқ уриб турибди.



Журнални варақлар эканмиз, ушбу соннинг макетлаштирилиши ўтган сонлардан тубдан фарқлинишини яққол кўриш мумкин. Қолаверса, ундаги мақолаларнинг турли жанрларда эканлиги ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан, «Бош муҳаррир минбари» рункида чоп этилиб келинаётган қатор мақолалар қаторидан бу сафар ўрин олган «Париси бор уй» сарлаваҳали мақолада таъкидланганидек, 2002 йилни «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилишдан кўзланган асосий мақсад, нафақат кексаларга гамхўрлик кўрсатиб, уларни эъзозлаш, балки ана шу гамхўрликни янги босқичга кўтаришни назарда тутди.

Журнал муҳбири билан сўхбатда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳалимов, ўтган ўн йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан амалга оширилган ижобий ишлар ҳақида сўз юрताди.

2002 йилнинг январида ўтказилиши мўлжалланаётган умумхалқ референдуми олдидан «Референдум — олий машварат» номли мақолада референдум ўтказишдан мақсад, тартиби ҳамда унда қатнашиш қоидалари батафсил ёритилган.

Журналнинг «Ўзбекистон прокуратураси ўн йил ичида» мавзусидаги анкета саволларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси У. Ҳошимов, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, республика адвокатлар уюшмаси раиси С.Екубов, республика Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б.Ҳўжаевларнинг жавобларидан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг босиб ўтган йўли билан танишиш имконига эга бўласиз.

«Фахрийлар фахримиз» рункида эса Ф.Едгорованинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист А.Давлетов билан сўхбатини ўқишингиз мумкин. 42 йил прокуратура идораларига ишлаб, бирор марта танбех олмаган инсон ҳақида эшитганмисиз? «Ибратли умр» мақоласида журналист Т. Абдураҳмонов ана шундай инсон Султонбой Мадазимов ҳақида илиқ фикрлар билдиради.

Шунингдек, журналда саҳифаларидан «Асрга татиғулик ҳаёт», «Прокурор — жаҳон чемпиони», «Фуқаролик жамяти», «Айбисизлик презумпциясининг аҳамияти», «Муқобил жазо», «Туркияда прокуратура тизими» каби туркум мақолалар жой олган.

«Хуқуқшунослар ижодидан намуналар» рункида бу сафар хуқуқшунос Назиржон Раҳимовнинг «Темир дарвоза» номли воқеий ҳикояси журнал-хонларимизга тортиқ қилинди.

Гофуржон АЛИМОВ

● **ПРОКУРОР БОНГ УРАДИ**

Ҳадемай истиқлолнинг ўн биринчи баҳорини қарши оламиз. Мамлакатимизда янги-янги ўзгаришлар деярли ҳар куни юз бермоқда. Бу ютуқлар замирида Ватан осойишталиги, тўқин ва фаровон эртамиз учун жон фидо қилишга тайёр минглаб замондошларимизнинг меҳнати ётибди. Бирок қани энди ҳамма ҳам ана шундай жонқурлар сафида бўлса...

Нуробод тумани прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги қошидаги муқаддам судланган шахсларни ижтимоий муҳитта мослаштириш кўника марказининг иш фаолияти юзасидан текшириш ўтказилди. Аниқланишича, 8 шахдан иборат мазкур марказ таркиби туман ҳокимининг махсус қарори билан тасдиқланган бўлса-да, бу борада бирон-бир арзирди иш қилинмаган. Муқаддам судланганларга ёрдам кўрсатиш тугул, ҳатто мурожаат этганларни

рўйхатга олиш дафтари ҳам юритилмаган. 2001 йил давомида туман бўйича қамоқ билан боғлиқ жазоларни ўтаб келганларнинг эркин ҳаётга кўникам хосил қилишда уларга кўмаклашиш ўрнига, марказ раҳбарияти томошабин бўлиб турган.

РАҲБАР НЕГА ТОМОШАБИН?

Вилоят кўника марказидан пул маблағлари қамоқ жазосини ўтаган шахсларга тарқатиш учун туман «Халқ банки»га келиб тушган. Аммо бу пуллари тарқатиш учун ведомость тузилиб, банкка тақдим этилмаган. Бу билан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган, ачинарлиси, моддий ёрдамга муҳтож шахсларнинг қайта жиноят содир этишига йўл очиб берилган. Жумладан, Нуробод шаҳрида яшовчи фуқаро М.

Зуборов амнистия тўғрисидаги Қармонга кўра жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этилиб, уйига қайтган. Бирок меҳнат биржаси томонидан ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилмаган, кўника маркази томонидан ҳисобга олинди,

ёрдам пули берилмаган. Натijaда у яна жиноятга қўл уришга мажбур бўлади. У шаҳардаги хонадонлардан бирига кириб, жами 91 минг сўмлик пул ва буюмларини ўғирлайди. Шунингдек, кўника марказидаги ларнинг эътиборсизлиги оқибатида Шўрчи кишлоғида яшовчи фуқаро Ш. Бердимуродова ҳам у қамондан бўшатишга 1 йилдан ошқ вақт ўтган бўлса-да, ёрдам пули берилмаганлиги маълум бўлди.

Туман прокуратураси бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман ҳокимлигига тақдимнома киритган эди. Яқинда туман ҳокими ҳузурида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда ушбу ҳолат муҳокама этилиб, кўника маркази котиби

Б.Йўлдошевга интизомий чора қўлланилди. Марказ ишини назорат қилувчи ҳоким ўринбосари Ҳ.Мавлонов эса оғоҳлантирилди. Элимизда муҳтожларни суяшга чорловчи ибратли мақоллар кўп. Шундай экан, эл орасида жиноятчиликнинг камайиши учун имкон қадар ҳисса қўиши вазифамиздир. **Маматқул ФОЗИЛОВ,** Нуробод тумани прокурори

● **МУНОСАБАТ**

ЎТАЁТГАН КУНЛАР ШУҚУҲИ

тўғрисида-ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун янги 12 та модда билан тўлдирилди. Прокуратура органларини ислоҳ қилишга доир бир мисол: Қонуннинг 18-моддаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги (вилоят, шаҳар ва туман прокуратуралари қошидаги) бўлиmlари фаолиятига бағишланган.

Прокуратура органлари олдидан турган долзарб вазифаларни амалга оширишда, шубҳасиз, кадрлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Қонуннинг 44-моддасига прокурорлар ва терговчилар қасамеди матни киритилган.

Янги қонунда қатор янги моддалар киритилиши билан бирга, ўз аҳамиятини йўқотган айрим моддалар чиқариб ташланди. Бир сўз билан айтганда, демократик тамайллар ва тизимнинг барча жа-ҳаларини қамраб олган, давр талабларига ҳамоҳанг янги қонун қабул қилинди. Прокуратура органларида мазкур қонун туфайли қатор

янгилашиш ва ўзгаришлар рўй берди, прокурор-тергов ходимлари зиммасидаги масъулият юки янада ортиди.

Мен мамлакатимиз ва соҳамизга доир иккитагина мисол хусусида тўхтадим. Аслида, тарихга айланган йил ҳалқимиз хотирасида кўплаб қувончли кунлар билан ёдда қолса ажаб эмас.


Шу билан бирга, ўтган йил дунё ҳамжамиятида терроризмга қарши кураш йили сифатида тарихга кириши тайин. Ҳар бир давлат ўз худудида қонун устуворлигини тўлақонли таъминласа, қонунбузарликларга қарши мурасасиз кураш олиб борса, бу юртда терроризм уя қуролмайди.

Тинчлик ҳўкм сурган мамлакатдагина халқ яратиш ишқи билан яшайди. Осойишталикни бизга ҳеч ким четдан келиб ўрнатиб бермайди. Шунинг учун юртимизнинг барча фуқаролари бир тану бир жон бўлиб курашмоғи лозим.

Иброҳим ДАВЛЕТОВ, Хоразм вилояти прокурорининг ўринбосари

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданият меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси)



Вилоят муҳбирлари хабар қиладилар

ЙИЛ САРҲИСОБИ

Сирдарё вилояти прокуратурасида 2001 йилда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, қонунийликни мустаҳкамлаш юзасидан вилоят прокуратураси органлари фаолияти-раси яқунларига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан маъруза қилган Сирдарё вилояти прокурорининг 1-ўринбосари Э.Йўлдошев ўтган йил давомида қўлга киритилган ютуқлар, дуч келинган муаммоларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан музокараларда қатнашган вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи Т.Худойбердиев, Ховос тумани прокурори С.Маҳмудов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси З.Жўрабоевлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳар, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Наманган вилоят прокуратураларида ҳам 2001 йил яқунларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишларда жойларда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги келгуси вазифалар белги-лаб олинди.



ЭПИДЕМИЯ ХУРУЖИ

Россияда грипп эпидемияси бошланди. Вирусологларнинг маълумотларига кўра, Астрахан, Қозон, Киров, Барнаул, Челябинск ва Пермда аҳвол жиддий тус олган. Москва ва Санкт-Петербургда вазият назорат остида турибди, бироқ, врачлар эпидемия шаҳарни четлаб ўтишига қафолат бериша олмайди.

Эпидемиянинг энг кенг тарқалиш даври, Россия тиббиёт академияси грипп бўйича федерал маркази мутахассисларининг сўзларига кўра, 2-3 ҳафтадан сўнг қайд этилиши кутиляпти. Умумий аҳолининг 7-8 фоизи грипп билан оғриши тахмин қилинмоқда. Касалланаётганларнинг асосий қисми 14 ёшгача бўлган болалардир.

Врачлар аҳолига касалликдан сақланиш учун витамин ва минерал тузларга бой таомлар билан овқатланиши, дивазол ва гриппга қарши маҳаллий препаратлардан фойдаланишни тавсия қилишмоқда.

ҲОЗИРЧА 3,5 МЛРД. ДОЛЛАР, АММО ҲАЛИ БУ КАМ

Афғонистонга ёрдам кўрсатувчи мамлакатларнинг Токиода ўтган анжуманида 3,5 млрд. доллар йиғилди. Бироқ ҳали анжуман қатнашчиларининг барчаси ҳам «чўнтак қовлашга улгурмаган».

БМТ Бош қотиби К.Аннаннинг фикрича, иқтисодийетини тиклаш учун яқин беш йил ичда Афғонистонга қамиди 10 млрд. доллар керак.

Ҳозирча йирик донор мамлакатлар 1,5 млрд. доллар беришни ваъда қилган Европа Иттифоқи аъзолари бўлиб турибди. Япония 500 млн.,

АҚШ 296 млн. беришни бўйнига олган. Бундан ташқари, АҚШ давлат қотиби К.Пауэлнинг сўзларига кўра, президент Бушнинг Афғонистонга 400 млн. доллар инсонпарварлик ёрдами берилади деган ваъдаси ҳамон ўз кучида турибди.

Анжуман бошланишигача Саудия Арабистони ҳам яқин вақт ичда Афғонистон учун 220 млн. доллар ажратилиши маълум қилган эди.

ТИНЧЛИК ҚАРОР ТОПМОҚДА

Айни дамда Афғонистон муаммоси жаҳон афкор оммаси диққат марказида турибди. Қарийб 22 йил давом этган фуқаролар уруши мамлакат иқтисодийетини бир неча ўн йиллар ортага суриб юборди. Фуқаролар уруши даврида мамлакатнинг издан чиққан ижтимоий-сиёсий ҳаётига бугунги кунда халқаро ҳамжамият ёрдамисиз ечим топиб бўлмаглиги барчага аён. Толибонлар ҳукмронлиги даврида мамлакатда ишлаб чиқариш, таълим-тарбия соҳалари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натихада бугунги кунгача биргина ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилган афгон халқи яқин бир йил давомида ойлик маош олмай кун кечиришга мажбур бўлган. Ҳисоб-китобларга қараганда шу кунларда мамлакатнинг фақат ишчилар маошларидан қарзига 100 миллион долларга яқин маблағ талаб этилади. Шу боис ҳам халқаро ҳамжамият Афғонистон иқтисодийетини қўллаб-қувватлаш учун кенг кўламли ёрдам кўрсатиш режаларини ишлаб чиқмоқда. Террорчиликда алоқадор деб гу-

мийлари бу қисқартиришлар урушининг лойиғига етгани ёки, қисқа қилиб айтганда, террорчиларнинг батамом яқсон қилинганлиги билан боғлиқ эмас дея, баёнот бермоқдалар. Пентагон мазкур қисқартиришларни халқаро ҳамжамиятнинг розилиги билан киритилган тинчликларвар кучларнинг тўлақонли фаолият бошлаб юрганлиги билан изоҳляпти.

Биринчи рақамли террорчи Усома бин Ладин ва Толибон ҳаракати раҳбари Муҳаммад Умарни қидириш ишлари ҳамон давом этмоқда. Ҳозиргача, уларни қидириш билан боғлиқ турли тахминлар асосида АҚШ ҳарбийларининг тоғли худудларга берган ҳаво зарбалари деярли ҳеч қандай натижа бергани йўқ. Аммо тезкор маълумотлар бўйича ўтказилаётган қидирув ишлари ҳам бир дақиқа бўлса-да тўхтагани йўқ. Америка ҳарбий ҳаво кучлари террорчиларнинг яширин базалари жойлашган деб тахмин қилинган тоғли худудларни бомбардимон қилишни қамайтирди. Вашингтон маъмурияти берган маълумотга кўра, Афғонистонда террорчиларга қарашли 50 та ер ости бункеридан иборат энг катта база йўқ қилинган. Шунингдек, яна бир нечта яширин базалар яширин базалар мавжудлиги тўғрисида ахборот тарқатилган. Қўшма Штатлар мудофаа вазирлиги Дональд Рамсфелднинг таъкидлашича, бу борада маълумот йиғиш ва уларга қатъий баҳо беришга ҳали эрта. Шунингдек, маълумотларга кўра, ер усти қидирув ишлари давомида мамлакатнинг Зафар ва Хоста туманларида Усома бин Ладин тарафдорларига тегишли курол-аслаҳа омбори топилган ва тезда уларни йўқ қилиш чораси кўрилган.

17 январь куни «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотига аъзо 30 нафар асирга олинган толиблар АҚШнинг Кубадаги Гуантанамо махсус ҳарбий базасига келтирилди. Бугунгача махсус базادا 80 дан ортиқ террорчи сақланмоқда. Пентагон расмийлари Афғонистоннинг ўзида асирда сақланаётган қарийб 400 га яқин толибни ҳам босқичма-босқич ҳарбий базасига келтиришни режалаштириб қўйган. Қўзил Халқ ҳарқаро ташкилоти вакиллари Гуантанамо ҳарбий базасига ташриф буориб, асирларни сақлаш шароитлари билан танишиб чиқиди.

АҚШ махсус хизмати вакиллари маълумотига қараганда, «Ал-Қоида» раҳбари Усома бин Ладиннинг 11 сентябрда Америкада содир этил-

ДАЛИЛИЙ АШЁНИНГ НАРХИ

Голландиялик қондабузар ҳайдовчиларнинг ўз автомобилларида йўл ҳаракати қондаларини бузаётган лаҳзалари энди полиция томонидан суратга олиниб, ҳайдовчиларга тақдим этилади. Баъзи қизиққон ҳайдовчилар шу пайтгача айбимни ҳужжат билан исботлаб бер деб полициячиларнинг бошини қотириб келар эди. Улар ниҳоят ниятига етдилар. Бунинг устига битта сурат учун 4,6 евро тўлашлари керак.

Амстердам полиция бошқармаси матбуот қотибининг сўзларига кўра, полициячилар бу янги машғулотдан бир цент ҳам фойда кўришмайди. Йиғилган барча маблағ шаҳар маъмуриятига ўтказилади ҳамда фотосуратларни чоп этишга сарф қилинади.

ТЕРГОВ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Москвада таникли кўшиқчи ва «Кўшиқ театри» театрининг асосчиси Ренат Ибрагимовнинг уйда ўғирлик содир этилган.

Бу ҳақда «Лефортова» ички ишлар бўлимига хабар берган Р.Ибрагимовнинг айтишича, 18-20 январь кунлари унинг квартирасида ҳеч ким бўлмаган ва бундан фойдаланган ўғирлар унинг уйига кириб, кўшиқчининг 2,2 минг АҚШ долларини, компьютерни, видеокамераси ҳамда 600 минг рублик қийматдаги заргарлик буюмларини олиб кетишган. Айни вақтда эса мазкур ҳолат юзасидан тергов ишлари бошлаб юборилган.

КЎЗГУДАГИ ЁЗУВ

Virgin Atlantic авиакомпаниясининг Англиядан АҚШга йўл олган «Боинг-747» самолёти қутилмаганда террорчиларнинг таҳдиди туфайли Исландиядаги аэропортга қўнишга мажбур бўлди. Исландия полицияси вакилининг айтишича, самолётдаги ҳолатхоналардан бирининг ойнасига совун билан «Борда бомба бор», деб ёзилган экан.

ШАҲАР ҲАМОН ҚАМАЛДА

Кеча эрталаб Исроил армияси қисмлари Фаластиннинг Тулкарма шаҳридаги позицияларини тарқ эта бошлашган. Шунга қарамай, шаҳар тўлиқ қамалдалигича қолмоқда. Исроил танкларининг бошқа бир гуруҳи вертолётлар ва пиледа қўшинлар қузатувиди Наблус шаҳри атрофининг эгаллаган. Фаластин манбаларининг хабарига кўра, отишма пайтида ХАМАС гуруҳининг аъзоси деб тахмин қилинган беш фуқаро ўлдирилган.

ТЕРРОРЧИЛАР КАЛЬКУТТАДА

Калькуттадаги Америка ахборот марказига қуролланган мотоциклчиларнинг ҳужуми оқибатида тўрт полициячи ўлдирилган, яна ўн нафари турли даражада жараҳатланган. Эрталаб соат 6 га яқин номўълум кишилар шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида жойлашган Америка офиси қўриқчиларига қарата автоматик қуроллардан бетартиб ўч отишган. Айни дамда эса жиноятчилар қидирилмоқда.



Дилмурод ЭШМУРотов,
шаҳрловчи

● РЕПОРТАЖ



Ҳаммамизнинг жамиятда ўз ўрнини бор. Бу ўринга эришишимизда бизнинг билимимиз, дунё-арашимиз ва албатта тарбиямиз муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда ота-онамиздан ташқари бизга билим берган, тўғри йўл кўрсатган

борар эканмиз, қаторлашиб келаётган талаба қизларни кўриб, болалигимдаги ёш тарбиячиларни эсладим. Бугун ўқиш кунларини кўнгилларидан ишонч, юзларида табассум билан бошлаётган бу талабаларнинг эртага – биринчи маро-

бу эмас. Умуман бу мавзуга алоҳида ёндашиш лозим.

Биз коллежнинг маънавият-маърифат хонасига кирдик. Директор ўринбосари ўринбой академ коллеж ҳаёти ҳақида сўрадим.

— Ҳозирда, коллежimizда 2460 нафар талаба таҳсил олмақда. Сизга бўлсангиз, уларнинг аксарияти қизлар. Шунинг учун бўлса керак, коллеждаги байрам тадбирлари жуда қизиқарли ўтказилади. Замонавий жиҳозланган компьютер хонаси, кўриб турганингиздай маънавият-маърифат хонаси, булардан ташқари спорт залимиз, 300 ўринли ошхона ва 100 ўринли буфет, муҳташам мажлислар зали талабалар ихтиёрида. 50000 китоб фондига эга коллеж кутубхонаси талабалар билан доимо гавжум. Коллежда талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Вилоятлардан келган талабалар учун 500 ўринли ётоқхона мавжуд. Ётоқхонада имконият даражасида барча шарт-шароитлар яратилган.

Коллежда 35 та турли хил фан, спорт, бадий ҳаваскорлик тўғрисида фаолият кўрсатмоқда.

Талабаларимизнинг муҳамал таълим олишлари учун коллежда юқори савияли ўқитувчилар дарс беришади. Улар орасида фан номзодлари, доцентлар ҳам бор. Тала-

Бўлажак мураббийлар маскани

таба ўқувчилари қаршисида ўқитувчи сифатида туришларининг қувонч ва ҳис-ҳаяжонига фақатгина шундай тажрибага эга ҳурматли ўқитувчи-мураббийларимизга аён.

илк тарбиячиларимиз, ўқитувчи-мураббийларимизнинг ҳиссалари катта.

Алифбени ўргатган, яхши-ёмонни ажратишда йўл кўрсатган тарбиячиларимиз бизга қандай меҳр билан сабоқ беришлари ҳамон эсимизда. Ана ўша тарбиячиларимизга ҳам болаларни ўқитиш, улар билан тил топишиш, ўқишга ҳавас уйғота олиш борасидаги билимлар махсус ўқув юрларида ўргатилган.

Биз мана шундай даргоҳлардан бири — Тошкент педагогика коллежидан репортаж тайёрладик.

Авваламбор, коллеж тарихи билан қизикдим. Ҳужжатларни ва рақлар эканман, қизиқишим янада ортди.


2001 йил 12 июнда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан сабоқ педагогика ўқув юрти педагогика коллежига айлантирилди. Бу ўқув даргоҳи учун фақат янги номгина бўлиб қолмай, ўқув тизими ҳозирги давр талабига жавоб берадиган даражада ўзгаришига



Бобоевнинг кутиб олди. Коллеж директори Минавара опа Исмоилова меҳнат таътилида экан. Муовинининг хонасига йўл олдик. Биринкетинг салом бериб ўтаётган қизларни кўриб талабаларнинг аксариятини қизлар ташкил этишини

англадим. Яна бир қизиқарли ҳолат: бугунги кунда ўқитувчи, мураббийларимизнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил қилади. Бу турли фикрлар билдирилмоқда.

Кўпчилик ўқитувчи имкон қадар эркак киши бўлиши керак, ундаги қаттиққўллик ва талабчанлик тўғрисидаги ўқувчиларнинг билим олиш даражаси ошади, деган фикрнинг илгари суришади. Бу мавзуда узок вақт баҳс-мунозара юритиш мумкин. Лекин бугунги репортаж мақсади



сабаб бўлди. Коллеж қўшимча яна икки: «бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари ташкилотчиси» ва «мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси» мутахассисликлари бўйича талабалар қабул қила бошлади.

Коллежда фотомуҳбиримиз Абдувоҳид ака Тўраев билан кириб

рлар билдирилмоқда. Кўпчилик ўқитувчи имкон қадар эркак киши бўлиши керак, ундаги қаттиққўллик ва талабчанлик тўғрисидаги ўқувчиларнинг билим олиш даражаси ошади, деган фикрнинг илгари суришади. Бу мавзуда узок вақт баҳс-мунозара юритиш мумкин. Лекин бугунги репортаж мақсади

Умуман 1-сонли Тошкент педагогика коллежидан ўқиш ва ҳаёт кизгин давом этмоқда. Келажак авлоднинг тарбиясига катта ҳисса қўшишлари кутилаётган бу бўлажак мураббийларга масъулиятли ишларида ҳеч қачон муаммоларга дуч келмасликларини талаб қоламиз.

Жаҳонгир МАКСУМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири.
Суратларда коллеж ҳаётидан лавҳалар.
А. ТўРАЕВ олган суратлар

● ҲАЖВИЯ

КЕЧИРАСИЗ, БУ БОШҚА ПОЕЗДАМИ?!

Рудольф Шульце жуда ажойиб йигит. Уни ҳарбий хизматга чақиришганда кўзим яхши кўрмайди, деб баҳона қилди ва шу билан хизматдан кутулиб қолмоқчи бўлди.

- Пастки қатор ҳарфларини кўраяпсизми? — сўради ундан штаб врач.
- Йўқ, кўрмаймман, — деди Рудольф.
- Ўрта қаторни-чи?
- Ҳеч нарсани ажрата олмаймман.
- Юқори қатордаги йирик ҳарфларни-чи?
- Ҳеч нарсани кўрмаймман.
- Врачнинг жаҳли чиқди.
- Балки сиз деворга осилган доскани ҳам кўрмаётгандирсиз?
- Қайси доскани, жаноб врач?
- Девордаги доскани-да!
- Қайси девордаги доскани? Девор қани ўзи?

Штаб врач ўзининг қора соқолини силаб қўйди ва Рудольфнинг шахсий делосига «хизматга яроқсиз» деб ёзиб қўйди.

Шу кун кечкурун Рудольф Шульце кинога борди. «Ҳафта янгиликлари» тугаб, зал ёришганда, залга яна бир гуруҳ томошабинлар кириб келишди. Уларнинг орасида ўша қора соқолли штаб врач ҳам бор эди. Врач келиб Рудольфнинг шундоқ ёнгинасига ўтирди ва ажабланиб унга қаради. Врач ҳали гапиришга улгурмасдан Рудольф ундан сўради:

- Кечирасиз, хоним, агар адашмаган бўлсам, поездимиз Кельнга етиб келди чоғи. Ёки мен адашиб бошқа поездга чиқибманми-а?

Йўлдош ПАРДА таржимаси

● СПОРТ

ХАЙР, ФУТБОЛ ЮЛДУЗИ

Аксарият футболчилар учун жаҳон чемпионатида қатнашиш энг олий орзу ҳисобланади. Чемпионлик мартабаси ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Жаҳон футбол тарихида шундай футболчилар борки, улар бу мартабага бир эмас, бир неча марта сазовор бўлганлар. Бразилиялик афсонавий футболчи Эвалдо Изидио Нетто шундайлардан эди. Бу футболчини миллионлаб мухлислар Вава номи билан танишади. 1958 ва 1962 йилги жаҳон чемпиони Вава яқинда оғир хасталиқдан сўнг 67 ёшида вафот этди.

Ўзбекистонда бу буюқ футболчи давомидан бу буюқ футболчи ақл бовар қилмас жисмоний тайёргарлиги, маҳорати ва гол уриш қобилияти тўғрисида «Темир кўрак» лақабини олган эди.

У профессионал футболчилик фаолиятини 1952 йили Рио-де-Жанейро шаҳрининг «Васко да Гама» клуби таркибида бошлаб, биринчи ўйиндаёқ тўп ки-

ритиб жамоасининг Бразилия миллий биринчилигидаги чемпионлигини таъминлаган.

1956 йили ҳам жамоанинг чемпионлигига эришишига Вава муносиб ҳисса қўшди. Икки йил ўтиб эса, Швецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакат миллий терма жамоаси таркибида майдонга тушди. Бразилия олтин шохсупага кўтарилган ўша чемпионатда Вава тўрт ўйинда бешта тўп киритишга муваффақ бўлди. 1962 йили Чилида ўтказилган чемпионатда ҳам Бразилиянинг чемпионлигига буюқ футболчи тўрт голи билан ҳисса қўшди. Пеле, Гарринча каби футбол юлдузлари билан бир сафда тўп сурган Вава Бразилия футболчининг бутун тарихидаги энг яхши марказий ҳужумчилардан эди.

Вава футболчилик фаолиятини 1967 йили Мексика ва АҚШ клублари таркибида тўп суриш билан тугаллади.

Афсонавий футболчи Рио-де-Жанейро шаҳрида дафн этилди.

Кутловлар

*Меҳрибон бувижоним
Шаҳричос ая!*

Таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Аллоҳдан Сизга узок умр, сихат-саломатлик тилаймиз. Умрингизнинг ҳар бир дақиқаси қувонч шодликлардан иборат бўлишини талаб, фарзандларингиз номидан набирангиз

**ЖАВОҲИР,
Бойвут тумани**

Азиз синглимиз Холидаҳон!
Туғилган кунинг кутлуг бўлсин. Фарзандларинг, оиланг бахтига доимо соғ-саломат бўлгин. Бахт ва омад ҳаммиша йўлдошинг бўлсин. Ота-онанг ва сингилларинг номидан акаанг

**ЖАҲОНГИР,
Сирдарё вилояти Бахт шаҳри**